ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МОЙНАҚ РАЙОНЫ ҲӘКИМИНИҢ ШЕШИМИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЎЙНОҚ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

№ 05/353 «06» май 2021 ж.й.

Муйноқ тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 5, 25-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Муйноқ туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Матбуот хизмати (Д.Аблаева) мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Ильясовнинг зиммасига юклатилсин.

Муйноқ тумани ҳокими: **Е.Еденбаев**

Муйноқ тумани хокимининг
2021 йил 06-майдаги 09/353-сон
қарорига илова

Муйноқ тумани ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Муйноқ тумани ҳокимининг «Туманда тракторлар, ўзиюрар шоссилар, мелиоратив йул қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 2013 йил 15 февралдаги 02/56-сон қарори;

2. Муйноқ тумани ҳокимининг «Туман худудида барча хўжалик юритувчи субъектларга ва фукароларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 2013 йил 15 февралдаги 02/58-сон қарори;

3. Муйноқ тумани ҳокимининг «Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 2016 йил 23 февралдаги 02/98-сон қарори;

4. Муйноқ тумани ҳокимининг «Тумандаги дафн этиш жойларини сақлаш коидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2016 йил 23 февралдаги 02/99-сон қарори;

5. Муйноқ тумани ҳокимининг «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларни 2017 йил учун банд қилиш тўғрисида»ги 2016 йил 22 ноябрдаги 11/826-сон қарори;

6. Муйноқ тумани ҳокимининг «2017 йилда фукароларнинг ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида»ги 2016 йил 22 ноябрдаги 11/825-сон қарори;

7. Муйноқ тумани ҳокимининг «Муйноқ тумани ҳудудида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш ҳақида»ги 2019 йил 15 январдаги 01/99-сон қарори;

8. Муйноқ тумани ҳокимининг «Муйноқ туманининг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йилларнинг куз-қиш мавсумида доймий ишлашга комплекс тайёргарликни таъминлаш ҳақида »ги 2019 йил 25 сентябрдаги 09/1456-сон қарори;

9. Муйноқ тумани ҳокимининг «Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тарифларини тасдиқлаш ҳақида»ги 2020 йил 16 мартдаги 03/94-сон қарори;

10. Муйноқ тумани ҳокимининг «Туман ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фукароларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган автобус, микро-автобус, юк ва енгил автотранспорт воситалари хамда велосипед, скутер ва мототранспорт воситаларининг харакат этишини карантин даврида вақтинча тўхтатиш тўғрисида»ги 2020 йил 14 апрелдаги 04/151-сон қарори;

11. Муйноқ тумани ҳокимининг «Муйноқ давлат урмон хўжалиги урмон фонди ерларида ёнгин хавфсизлигини олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 22 июлдаги 07/328-сон қарори;